

Бухоро шаҳри

«Bexruz tijorat savdo» МЧЖ(ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Хамидов Бехруз (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Бухоро вилоят Фтизиатрия ва Пульмонология маркази (корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Кобилов Н.Ю (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномаши куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1.Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш ажбуриятини олади.

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Макарон ✓	кг	300	6500	1950000
2	Мош ✓	кг	300	13000	3900000
3	Ярим дудланган колбаса олий навли ✓	кг	350	42000	14700000
4	Каттик пишлок 45% ✓	кг	300	45000	13500000
5	Курук мева ✓	кг	300	16000	4800000
6	Ок ловия ✓	кг	300	13000	3900000
7	Печенье ✓	кг	300	15000	4500000
8	Мол гушти ✓	кг	1000	55000	55000000
9	Нухат ёрмаси ✓	кг	300	7000	2100000
10	Перловка ✓	кг	300	7000	2100000
11	Усимлик (кунгабокар) ёғи ✓	л	300	19000	5700000
12	Тухум 1- тоифали (Д-1) ✓	шт	2000	900	1800000
13	Манни ёрмаси ✓	кг	300	7000	2100000
14	Томат ✓	кг	400	15000	6000000
15	Бугдой ёрмаси ✓	кг	449	4000	1796000
16	Ошқовок ✓	кг	400	2000	800000
17	Карам ✓	кг	400	5000	2000000
18	Лавлаги ✓	кг	400	2000	800000
19	Сариёғ 82,5 ✓	кг	300	37000	11100000
20	Гречка ✓	кг	300	15000	4500000
21	Гуруч (аланга) ✓	кг	600	7800	4680000
	Жами				147726000

Кўрсатилган товар (маҳсулот)ни стқазиб бериш муддати: 31 «январь» 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 108166000 (Бир юз саккиз миллион бир юз олти миш олти миш сум) сум 00 тийинни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олиндиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 44317800 сум 00 тийинни, яъни белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 103408200 сум 00 тийинни , яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" декабргача амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблаг олувчиларнинг бюджет маблаглари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қондага кўра, 30 фоиз миқдоридан олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларининг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 - 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди
 - 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қарор қилинган муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
 - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
 - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчинини хабардор қилади.
 - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.